Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 16 (6. 505) 1988 йил 21 январь, пайшанба Баҳоси 3 тийин

XIX

Янгиланиш йўлидан

## ДЕЛЕГАТ НАМУНАСИ

◆ Людмила Александровна Валетованинг номи кўпчиликка яхши таниш. У «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасида электр монтажчи бўлиб ишлайди.

— У партиямиз XXVII съездида қатнашган, — деб ҳикоя қилади бирлашма партия комитетининг секретари А. Стражков, — съезд делегати сифатида унинг қарорларини коллектив ўртасида чуқур сингдиришда актив фаоллик кўрсатган эди. Ҳозир эса у партия XIX конференцияси шарафига янги ташаббус билан чиқди. Конференция очиладиган кунгача ўн иккинчи беш йиллик юзасидан ўз зиммасига олган план топшириғининг 3,5 йиллигини уддалашга сўз берди. Ўйлаймизки, у бунинг уддасидан чиқади.

Хўш, электр монтажчи Л. Валетованинг ўзи бу ҳақда нималар дейди, бунга қандай қилиб эришмоқчи?

— Энг аввало, юқори меҳнат унумдорлигига эришиш орқали, — демоқда унинг ўзи, — бунга эса ҳар бир иш дақиқасини тежаш орқали эришаман.

Кўпдан буён нуқсонсиз маҳсулот тайёрлаб келаётганим эса иш унумини ошириш билан бирга унинг сифатини ҳам оширишга ёрдам беряпти.

Биз бунга қўшимча қилиб шуни айтамизки, Л. Валетова юксак касб маҳоратига эга электр монтажчи. Агар унинг йил бошидан фақат олий сифатли маҳсулот тайёрлашга эришаётгани, барча маҳсулотни техника назорати бўлимига биринчи тақдим этишдаёқ топшираётганини ҳисобга олсак, изоҳ ортиқчалиги яққол кўринади.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан

## Келинг, очиқчасига гаплашайлик

Кейинги вақтларда меҳнат коллективи фаолиятида юзага келаётган туб ўзгаришларда ҳар бир ишчи-хизматчининг беқиёс роли нақадар муҳимлиги яққол сезилиб турибди. Кадрлар чинакамига ҳал қилувчи кучга айланиб бораяпти, шундай эмасми? Улардан максимал даражада фойдаланиш жадаллаштириш даврининг энг муҳим хусусиятига айланмоқда.

Бу бежиз эмас. Чунки, ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилиши ва замонавий техника асосида қайта жиҳозланиши натижасида иш сифати ва самарадорлигида катта ўзгаришларга эришилаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Қўл кучи сарфига бўлган эҳтиёж тобора камайиб боряпти. Натижада ишчи кучи етишмаётган участкаларнинг кадрлар билан комплектланишида қулай имконият юзага келмоқда. Айниқса, ўзини- ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш шароитида ишлаш бу борадаги энг муҳим қадам бўлди. Хўжалик ҳисоби коллективларнинг ўзи-ўзини бошқаришдаги ҳуқуқини янада кенгайтирди.

Гапнинг очиғи, атрофимизда янги ўзгаришлар рўй бераётган, шундай хайрли ишларга қўл урилаётган долзарб кунларда яхши ишлашдан ўзини четга олаётган баъзи бир масъулиятсиз ишчи-хизматчилар ҳам учраб турибди. Улар бизга худди томошабинни эслатишади. Бироқ, ҳозир бунинг мавриди эмас! Чинакамига куч-ғайратларни янги ўзгаришларга сафарбар этиш пайти келди. Айниқса, биз, метросозлар учун бу жуда ҳам муҳимдир. Чунки метросозлар барпо этаётган ер ости магистраллари шаҳарнинг янада гуллаб-яшнашига муносиб улуш бўлиб қўшилмоқда. Минг-минглаб ҳамшаҳарларимиз ундан кенг фойдаланмоқдалар. Шунинг ўзиёқ ишимизнинг нақадар масъулиятли эканлигини кўрсатиб турибди. Биз эса доимо шу талабларга мос равишда ҳаракат қилишга интиламиз. Бунинг эвазига «Ғафур Ғулом» метро станцияси қурилиши кун сайин жадал паллага кираётир.

Объектда дастлабки ишлар ўтган йилнинг бошларида амалга оширила бошланган эди. Бир йилга яқин вақт ичида 100 метрдан зиёд ер ости перегонида қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказиб бўлинди. Яна 200 метрли марра забт этилгач, қурилаётган иккита янги станция оралиғи туташтирилди. Янги шароитда ишлаш бизга ана шундай кенг иш фронтини яратди. Қурилиш материаллари таъминоти ҳам яхшиланди.

Асосий гап ўзимизда қолган. Яқинда коллективимиз қошида ташкил этилган бригада советининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда янги иш шароити билан боғлиқ бўлган янги вазифаларни муҳокама қилдик. Меҳнатга ҳақ тўлашни янгича ташкил этиш масаласи ҳам ўрганиб чиқилди. Шу пайтгача қилинган ишларга умумий тарзда — қурувчининг разрядига қараб ҳақ тўланар эди. Эндиликда бундай иш усулидан воз кечиш кўзда тутилмоқда. Яхши ишлаган ва ташаббускорлик кўрсатган ҳар бир қурувчи ойлигига қўшимча маълум процент иш ҳақи олишга ҳам муваффақ бўлади. Бунинг қулайлик томони шундаки, ўз ишининг натижасидан моддий манфаатдорлиги ортган ҳар бир қурувчи доимо яхшироқ ишлашга ҳаракат қилиб боради!

Тўғрисини айтганда, янги шароитда ишлашнинг дастлабки қийинчиликлари бор. Заррача бўлса-да саросимага тушганимиз йўқ. Чунки бизда аввалданоқ бунга пухта тайёргарлик кўрилган эди. Бригада пудрати асосида ишни ташкил этганлигимиз ютуқларнинг гарови бўлди.

Бригадамизда бой иш тажрибалари тўпланди. Эндиликда ана шу тажрибалардан келиб чиққан ҳолда иш принципларимизни янада такомиллаштириб боришга, қурувчилар билан ишлашни кучайтиришга эътиборни қаратаверамиз. Айниқса уларнинг маҳоратини ошириш борасидаги ишлар изчил олиб борилади. Чунки коллективимиз комплекс бригада сифатида танилган.

Янги йилнинг дастлабки ўн беш кунлигидаги ишларимиз натижаси қувончли бўлди. Топшириқлар пухта уддаланди. Демак, биз учун юзага келган қулайликнинг самараси келгусида янада салмоқли бўлади. Бунинг учун энг муҳими қатъий ҳаракат қилиш ва қунт билан изланиш керак!

**Н. НАЗДОРИН,**
**«Ташметрострой» трести 2-қурилиш-монтаж бошқармаси комплекс бригадаси бошлиғи.**

ЗАМОНДОШИМИЗ



## Қалби мусаффо қиз

Мукаррам ҳақида лавҳа ёзиш қийин. Чунки унинг қўша-қўша орден, медаллари йўқ. Бажарадиган иши ҳам оддийгина, ўзи ҳам камтарин. У ўрта мактабни битириб, тўғри Тошкент ўйинчоқлар фабрикасига ишга келган. Мана, цех остонасини илк бор хатлаб ўтганига ҳам тўққиз йил бўлибди. Ўшандан буён ҳар куни эртадан кечгача фабрикада. У пуфлаб шишириладиган ўйинчоқларни қоғоз қутиларга жойловчилар бригадасига бошлиқ. Уч йил бўлди Мукаррамни бригадир қилиб сайлашганларига.

Бригаданинг ўн беш аъзоси жуда аҳил оилани эслатади. Ҳаммалари оддий, меҳнаткаш аёллар. Агар бирортаси мажбуран ишга келолмай қолса, унинг ўрнига ҳам ишлаб, ҳамкасбларининг йўқлигини билдиришмайди. «Ўз ҳисобимдан отпуска беринг» деб қоғоз кўтариб юришнинг кераги йўқ.

Мукаррам Хўжаева ишхонада ҳаммадан кўп бўлади. У биринчи сменани тугатгач, иккинчи сменадагиларга иш топшириб, кўрсатмалар беришга қолади, ўз ишини жуда севади.

— Ҳар куни бир хил юмуш билан шуғулланавериш зерикарли эмасми? — деб сўрадим Мукаррамдан.

— Нега энди? Ўйинчоқлар ҳар хил-ку, — деб жавоб берди у болаларча содда оҳангда. — Яқиндан бошлаб чиройли илон ўйинчоқ чиқаряпмиз. Болалар ҳар хил қўғирчоқларни яхши кўриб ўйнашади.

Қизнинг юз-кўзидан поклик, ўзидан кўра кўпроқ бошқаларни ўйлаши кўриниб турибди. Ингичка бармоқлари меҳнатда қотган. Лекин қалби нозик. Шеърлар ҳам ёзади. У бизнингча, оддий воқеа — бир йигит дугонасига ваъда қилиб армияга кетгани, кейин эса бошқага уйланганини қаттиқ ачиниш билан гапириб берди. Ўшанга бағишлаб шеър ҳам ёзибди.

Тайёр бўлган ўйинчоқлар цехда шишириб текширилади. Шунга қарамай, Мукаррам бригадасида ҳам ўйинчоқнинг ели чиқиб кетмаслиги текширилиб, сўнг қутиларга солинади.

— Сизларнинг планларингиз қанча қутига ўйинчоқ жойлаш билан боғлиқ, тўғрими?.. Шунақа экан, уларни қутиларга яна бир синамасдан солавермайсизларми? — дедим.

— Йўғ-э, бунақада ҳалол ишлаётган бўлмаймиз-ку, — деди ҳайрон бўлиб.

Сабаби, у шунақанги енгил йўл тутиш ҳам мумкинлигини тасаввур қила олмас эди. Мукаррамга мусаффо қалби эъзоз келтирган.

**О. ФАРМОНОВ.**

СУРАТДА: Мукаррам Хўжаева.

Т. Каримов фотоси.

Мўътабар даргоҳда

## БУЮК САДОҚАТ РАМЗИ

Шаҳримиз Тошкентда доҳиймиз В. И. Ленин номи билан аталган музей очилганига ўн саккиз йил тўлаяпти. Мўътабар бу даргоҳни зиёрат қилганлар сони бугунги кунда 9 миллион 130 минг кишидан ошди. Ҳар куни музейга ўрта ҳисобда бир ярим минг зиёратчи ташриф буюради. Улар Тошкент корхоналарининг ишчилари, ўқув юртларининг студентлари, бепоён мамлакатимиз ва жаҳоннинг турли қитъаларидан келган меҳмонлардир.

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали ҳар куни файзли ва гавжум. Бу ерда Ленин ғояларининг тантанаси ҳақида ҳар куни сермазмун тадбирлар ўтказилади. Пролетариат доҳийсининг хотираси кунларида бу ерда Тошкент олий партия мактаби, Тошкент олий милиция мактаби, рус тили ва адабиёти, Ўрта Осиё медицина педиатрия, автомобиль ва йўллар институтлари, Тошкент Давлат университети студентлари бўлиб ўзларининг билимларини янада бойитадилар.

Музейнинг экскурсиялар бюроси қошида ҳурматли жамоатчилик ташкилоти бор. Бу ерда шаҳримизда истиқомат қилаётган партия ва уруш ветеранларининг вакиллари йиғилишади. Улар ёш авлодга доҳий Ленин ғояларининг тантанаси, социализм ғалабалари, Ўзбекистонда эришилган улуғвор ютуқлар ҳақида ҳаётий ҳикоя қилиб берадилар. 1921 йилдан КПСС аъзоси Йўлдош ота Бобожонов, 1930 йилдан КПСС аъзоси Чиннихон ая Иброҳимова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Азиз Тўхтабоев, партия ветерани С. Д. Коротков ва мўътабар кишиларни ҳамиша зиёратчилар даврасида қизғин мушоҳада пайтида кўриш мумкин. Уларнинг ҳар бир учрашуви таъсирчан ва мароқли ўтади. Мўътабар даргоҳда Улуғ Ватан урушида жасорат кўрсатган ўзбек снайперчи қиз Шарофат Эшонхўжаевани ҳам кўриш мумкин. Унинг кўксини жанговар мукофотлар безаб турибди. Ҳозирги пайтда у жамоатчилик, пропагандистлик ишларини ғайрат билан олиб бораяпти.

Халқимиз севган мўътабар даргоҳ фондида шу кунларда 16 мингдан зиёд ноёб экспонат сақланмоқда. Уларнинг сони ой сайин ортиб бораяпти. Буларнинг ҳаммаси Владимир Ильичнинг муборак номи билан боғланган. Турли касб ва ёшдаги кишилар пролетариат доҳийсига бўлган меҳр-муҳаббатларини ўзлари ясаган нафис санъат асарлари, фотосуратлар, мазмунли буюмлар билан ифода этадилар. Яқинда шаҳримизнинг 2-Шимолий-шарқ массивидаги 55-уйда истиқомат қилувчи Андрей Анатольевич Купцов энг ноёб варақани совға этди. «Россия гражданларига» деб номланган бу варақа 1917 йилда Россияда чиқарилган бўлиб, унда вақтли ҳукумат тахтдан ағдарилганлиги ҳақида хабар қилинган. Бундан ташқари, ҳамшаҳаримиз А. А. Окуневнинг Ленин яшаган ва у бўлган қадамжолар бўйлаб тўплаган филателия расмлари диққатга сазовордир. Улар шу кунларда алоҳида кўргазма ҳолида намойиш этилмоқда. Бу расмлар орқали доҳийнинг революцияга қадар ва ундан кейинги жўшқин сиёсий фаолияти билан яна чуқурроқ танишиш мумкин. Чимкентлик Токаревлар оиласи совға этган расмлар мажмуаси жонажон Тошкентимизнинг революция йилларидаги кўринишлари ҳақида ҳикоя қилади. Бу открыткалар 1920—1927 йилларда Москвада чоп этилган.

Она-Ватанимизда қайта қуриш ва жадаллаштириш ишлари долзарб олиб борилаётган шу кунларда хайрли ҳар бир ишда аввало Владимир Ильич Лениннинг башорат қилиб айтган сўзларига амал қиламиз, зеро бизнинг Советлар мамлакатимизда ҳар бир улуғвор иш Лениннинг муборак номи билан бошланади.

Куни-кеча музейда яна бир янги зал ташкил этилди. У В. И. Лениннинг тинчлик ҳақидаги ғояларининг тантана этаётгани ҳақида ҳикоя қилади. Бу залда қуйидаги сўзларни ўқиймиз: «Урушларнинг тугаши, халқлар ўртасида тинчликнинг ўрнатилиши, талашлар ва зўравонликларнинг тўхтатилиши — худди шулар бизнинг идеалимиздир». Доҳиймиз айтган ажойиб башоратнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Дунё мамлакатлари ўртасида тинчлик ўрнатиш борасида Ватанимиз оламшумул ишларни амалга оширмоқда. Ўтган йил декабрь ойида Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари раҳбарлари ядро қуролларисиз яшаш ҳақидаги шартномани имзоладилар. Бу тарихий ҳужжат барча мамлакатлар тинчликсевар халқлари зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар. Хавф-хатар ва таҳликада яшаётган халқлар эндиликда эркин нафас ола бошладилар. Музейнинг тинчлик тантанасига бағишланган залида Москвада бўлган тарихий учрашувлар ва Вашингтонда шартноманинг имзоланиши тўғрисидаги суратлар ва ҳужжатлар ўрин олган.

Доҳиймиз ғоялари ҳамиша тантана қилмоқда. Унинг сермазмун асарларини барча халқлар ўз она тилларида севиб мутолаа қилмоқдалар. СССРда В. И. Ленин асарлари 122 тилда кўп марталаб нашр этилди. Доҳий асарлари чет эл мамлакатларида эса 54 тилда қайта-қайта нашрдан чиқарилди.

**А. ПУЛАТОВ.**

СЎНГГИ СОАТДА

⊙ **ХОШИМИН. Осиё-Тинч океани регионидаги 20 дан зиёд мамлакатларнинг энг йирик ахборот агентликлари, газеталари, радио ва телевидениеси вакиллари Вьетнам Журналистлар уюшмаси Халқаро журналистлар ташкилотининг ёрдамида ташкил этган конференцияда иштирок этиш учун бу ерда тўпландилар.**

**Улар «думалоқ стол» атрофида тинчлик, ер юзи аҳолисининг учдан икки қисми истиқомат қиладиган мазкур регионда ҳамкорликни кенгайтириш ва ядросиз зонани ташкил этишга доир энг муҳим масалалар юзасидан фикр алмашиш учун тўпландилар. Конференцияда, шунингдек қатор халқаро ташкилотларнинг, шу жумладан Жаҳон Тинчлик Кенгашининг вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар.**

⊙ БУЭНОС-АЙРЕС. Душанба куни бостирилган Аргентинадаги ҳарбий исённинг раҳбари Альдо Рико «Магдалена» ҳарбийлар қамоқхонасига ўтказилган. Диктаторлик режимлари йилларида инсон ҳуқуқлари бузилганлиги учун маҳкум этилган сўнгги ҳарбий хунталарнинг раҳбарлари бўлмиш генераллар ҳам шу ерда ушланади. Фақат расмий маълумотларга қараганда ана шу йилларда 9.000 дан зиёд ватанпарварлар ўлдирилган ёки ном-нишонсиз йўқолган.

⊙ **Сешанба куни 70 минг нусхада чоп этилиб келган Франциядаги «Матен» газетасининг сўнгги сони босмадан чиқди, деб хабар беради Франс Пресс агентлиги.**

⊙ Рейтер агентлигининг Ангола оммавий ахборот воситаларига асосланиб хабар беришига қараганда, АҚШ давлат секретарининг Африка масалалари бўйича ёрдамчиси Ч. Крокер расмий визит билан Луандага келади.

Америкалик дипломат туркум музокаралар ўтказади, ана шу музокаралар чоғида Намибияга мустақиллик бериш билан боғлиқ проблемалар муҳокама этилади, деб хабар қилинади.

⊙ **МЕКСИКА. Сейсмик станциялар Рихтер шкаласи бўйича 5,6 балл куч билан зилзила бўлганлигини қайд этган, деб хабар беради Рейтер агентлиги.**

⊙ МАПУТУ. Кейптаун госпиталида икки бош билан туғилган чақалоқ қиз икки кун яшаб вафот этган. Танаси бир, аммо икки умуртқаси, икки ошқозони бўлган икки бошли чақалоқ госпиталга келтирилганда унинг саломатлигига ҳеч қандай хавф йўқ эди. Аммо орадан 48 соат вақт ўтгач у вафот этган.

АХБОРОТ

## Истеъмол буюмлари кўпаймоқда

⊙**БУГУН «Узбитпластик» тажриба илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига атаб меҳнат совғалари ҳозирлашга киришилди.**

Корхонада халқ истеъмоли молларининг турларини кўпайтириш устида диққатга сазовор ишлар олиб борилмоқда. Ҳозир бу ерда 21 хилда истеъмол моллари чиқарилаяпти. Патнислар, болалар вешалкаси, ваннахона жиҳозлари, ранг-баранг бадиий буюмлар, сунъий манзарали дарахтлар, чиннигуллар, турист ашёлари термаси шулар жумласидандир.

Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи маҳсулот ҳажми бўйича ўн ойлик планни Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси очиладиган кунга бажаришга аҳд қилди. Планга қўшимча, 1,3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

## Болаларга аталган

Турар жойларда болалар билан тарбиявий ишлар олиб боришни кенг йўлга қўйиш мактаб ислоҳоти талабларидан биридир. Бу борада шаҳримизда ҳам муҳим тадбирлар кўрилмоқда.

Болалар спорт майдончалари ва комплексларини бунёд этишга ҳам киришилди. Мазкур соғломлаштириш майдончаларини зарур спорт анжомлари билан таъминлашдек хайрли ишда «Ташсельмаш» заводи коллективининг ҳам муносиб ҳиссаси бўлади. Корхонада спорт анжомларидан иборат алоҳида комплектлар тайёрлашга киришилди.

Мазкур комплектларнинг ҳар бири жисмоний чиниқишга хизмат қиладиган 20 га яқин спорт анжомларидан иборатдир. Улар майдончаларнинг катта-кичиклигига қараб турли ҳажмларда ишлаб чиқарилаётир.

Шунингдек, завод мактаблар учун ўқувчилар парталарини тайёрлашни йўлга қўяди.

**С. ОДИЛОВА.**

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР •

## Қулайликлар муҳайё

**Юнусобод массивининг 14-кварталида янги турар жой биноларини ишга тушириш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг эвазига кейинги вақтларда бу ернинг қиёфаси ой сайин яшнаб бораётир.**

**2-уйсозлик комбинати қурувчилари томонидан Аҳмад Дониш кўчасида ишга туширилган яна бир янги уй кварталга ўзига хос кўрк бағишлади. Унга кўчиб ўтган 144 оила лойиҳачилардан ҳам, қурувчилардан ҳам миннатдор бўлишмоқда. Бунга бинонинг баъзи бир қулайликлар билан уйғунлаштириб юборилганлиги сабабчи бўлаётир. Кенг ва шинам хоналар ўз эгаларининг талабларига бемалол жавоб бера олади.**

**Р. АЛИЕВ.**

## Студентлар учун

Студентлар шаҳарчасида яна бир улкан ётоқхона биноси барпо этилмоқда. Қурилиш ишларини «Главташкентстрой»-га қарашли 12-трестнинг 49-қурилиш бошқармаси бинокорлари тезкорлик билан олиб бормоқдалар.

Бунёдкорлар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, бинони муддатидан тўрт ой олдин — 1-квартал охирида ишга туширишга аҳд қилдилар. Иш уч сменада ташкил этилгани, вақтдан унумли фойдаланиш тезкорликка имкон бермоқда.

Миршоҳид Мусаев бошлиқ монтажчилар бригадаси социалистик мусобақа ғолиби бўлиб келмоқда. Йил бошидан бери 31 минг сўмлик иш бажарилди. Бригада бир ойда икки ойлик топшириқни бажариш масъулияти билан меҳнат қилмоқда. Б. Пўлатов, А. Смирнов, Р. Рисқиев, Х. Зукуров, Ю. Тўлаганов каби бунёдкорлар қурилиш ишларини тез ва соз олиб бормоқдалар.

Барча шарт-шароитлар яратилаётган ётоқхона биноси яқин орада эгаларини ўз қучоғига олади.

**Л. ҚЎЧҚОРОВА.**

## Аҳоли ўртасида

**Тошкент Давлат маданият институти студентлари қайта қуриш талабларига мос равишда илм олиш ва уни амалда синовдан ўтказиш мақсадида ибратли ишлар олиб бормоқдалар. Институт маданий-маърифий ишлар назарияси ва методикаси кафедраси студентларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида «Янгиобод» маҳалла активи билан ҳамкорликда «Меҳригиё оналар», «Камолон» маҳалласида эса Совет Иттифоқи Қаҳрамони Солиҳ Умаров билан учрашув кечаларини ўтказди. IV курс методист студентлари халқ ижоди ва маданий-оқартув ишлари республика илмий-методик маркази билан ҳамкорликда «Кўкалдош» мадрасасида уюштирган «Эшитинг ва завқланинг» дам олиш кечаси ҳам назарий ва практик жиҳатдан диққатга сазовор бўлди.**

**Студентлар ғайрати билан Ўзбекистон ССР халқ артисти Анварахон ая Алимова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Ойдин опа Саидова, Абдулла Қаҳҳор номли маданият уйида ташкил қилинган аскиячи ва қизиқчилар клубининг раҳбари Айниддин Зайниддиновлар билан ўзаро давра суҳбати ўтказилди.**

**Т. ҲАЙДАРОВ.**

